

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус ва профессионал таълим

2025/2026 ўқув йили бошига

- I. Фаолият юритаётган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари
- II. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларига қабул қилинганлар
- III. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар
- IV. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг битирувчилари
- V. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган педагог ходимлар (ўриндошларсиз)
- VI. Ўрта махсус ва профессионал таълим бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Фаолият юритаётган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда ўрта махсус ва профессионал таълим тизимида сезиларли таркибий ўзгаришлар кузатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон Фармонида мувофиқ, касбий таълим ташкилотлари турлари мақбуллаштирилган: профессионал мактаблар ва коллежлар негизда техникумлар, шунингдек, мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари ташкил этилган.

Фаолият юритаётган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари сони

(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



2025/2026 ўқув йили бошига фаолият юритаётган академик лицейлар сони **91 тани** ташкил этган ва сўнгги уч йил давомида ўзгаришсиз қолган.

¹⁾ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон Фармонида мувофиқ, 2025 йил 1 январдан профессионал таълим ташкилотларининг турлари мақбуллаштирилган. Шу муносабат билан 2025/2026 ўқув йили учун техникумлар бўйича кўрсаткичларни таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Техникумлар сони эса, аксинча, 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **2,6 баробарга**, ёки **440 тага** ошган ва 2025/2026 ўқув йили бошига **712 тани** ташкил этган. Мазкур ўзгаришлар касбий таълим ташкилотлари турларининг мақбуллаштирилганлиги билан боғлиқ бўлиб, бунинг натижасида илгари ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг умумий сонига ҳисобга олинган профессионал мактаблар ва коллежлар техникумлар ҳамда бошқа таълим ташкилотларига айлантирилган.

**Фаолият юритаётган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари
сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2025/2026 ўқув йили бошига, бирлик)

	Академик лицейлар		Техникумлар	
	Жами	умумий сонига нисбатан % да	Жами	умумий сонига нисбатан % да
Ўзбекистон Респ.	91	100	712	100
Қорақалпоғистон Респ.	4	4,4	53	7,4
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	6	6,6	69	9,7
Бухоро	5	5,5	47	6,6
Жиззах	3	3,3	36	5,1
Қашқадарё	7	7,7	71	10,0
Навоий	3	3,3	27	3,8
Наманган	6	6,6	53	7,4
Самарқанд	10	11,0	70	9,8
Сурхондарё	4	4,4	57	8,0
Сирдарё	3	3,3	26	3,7
Тошкент	4	4,4	57	8,0
Фарғона	5	5,5	66	9,3
Хоразм	4	4,4	43	6,0
Тошкент ш.	27	29,6	37	5,2

Академик лицейларнинг энг кўп сони Тошкент шаҳри (**27 та**), Самарқанд (**10 та**) ва Қашқадарё (**7 та**) вилоятларида қайд этилган. Техникумлар сони бўйича эса Қашқадарё (**71 та**), Самарқанд (**70 та**) ва Андижон (**69 та**) вилоятлари етакчилик қилган.

Бошқа ҳудудларга нисбатан академик лицейларнинг энг кам сони Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларида қайд этилган бўлиб, **ҳар бирида 3 тадан** бўлган. Техникумларнинг энг кам сони ҳам Сирдарё (**26 та**), Навоий (**27 та**) ва Жиззах (**36 та**) вилоятларида кузатилган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари \(жами\)](#)

[Академик лицейлар сони](#)

II. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларига қабул қилинганлар

Мамлакатда ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларига ўқувчиларни қабул қилиш бўйича умумий ўсиш кузатилган. 2025/2026 ўқув йили бошига қабул қилинган ўқувчилар сони 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **73,6 минг нафарга**, ёки **34,7 % га** ошган ва **285,9 минг нафарни** ташкил этган.

Қабул қилинган ўқувчилар сони (тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2025/2026 ўқув йили бошига академик лицейларга қабул қилинган ўқувчилар сони 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **0,2 минг нафарга**, ёки **1,0 % га** ошган ва **19,3 минг нафарни** ташкил этган. Юқорида қайд этилган таркибий ўзгаришлар муносабати билан техникумларга қабул қилинганлар сони эса олдинги ўқув йилига нисбатан **5 баробарга**, ёки **213,7 минг нафарга** ошган ва **266,6 минг нафарга** етган.

Қабул қилинган ўқувчилар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2025/2026 ўқув йили бошига, минг киши)

	Академик лицейлар			Техникумлар		
	жами	қиз болалар	ўғил болалар	жами	қиз болалар	ўғил болалар
Ўзбекистон Респ.	19,3	8,2	11,1	266,6	121,2	145,4
Қорақалпоғистон Респ.	0,9	0,4	0,5	14,7	6,5	8,2
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	1,2	0,5	0,7	26,4	11,7	14,7
Бухоро	1,1	0,5	0,6	17,7	8,0	9,7
Жиззах	0,8	0,3	0,5	14,8	7,7	7,1
Қашқадарё	1,4	0,5	0,9	29,7	13,2	16,5
Навоий	0,6	0,3	0,3	8,8	4,0	4,8
Наманган	1,4	0,6	0,8	23,3	9,8	13,5
Самарқанд	2,1	0,8	1,3	26,8	12,0	14,8
Сурхондарё	0,7	0,3	0,4	18,1	7,8	10,3
Сирдарё	0,5	0,2	0,3	7,3	3,4	3,9
Тошкент	0,6	0,3	0,3	18,7	8,5	10,2
Фарғона	1,2	0,6	0,6	34,1	15,2	18,9
Хоразм	0,9	0,4	0,5	12,8	5,5	7,3
Тошкент ш.	5,9	2,5	3,4	13,4	7,9	5,5

¹⁾ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон Фармонида мувофиқ, 2025 йил 1 январдан профессионал таълим ташкилотларининг турлари мақбуллаштирилган. Шу муносабат билан 2025/2026 ўқув йили учун техникумлар бўйича кўрсаткичларни таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Академик лицейларга қабул қилинган ўқувчиларнинг энг юқори сони Тошкент шаҳри (**5,9 минг нафар**), Самарқанд (**2,1 минг нафар**), шунингдек Наманган ва Қашқадарё (ҳар бирида **1,4 минг нафардан**) вилоятларида қайд этилган. Техникумларга қабул қилинган ўқувчиларнинг энг юқори қисми эса Фарғона (**34,1 минг нафар**), Қашқадарё (**29,7 минг нафар**) ва Самарқанд (**26,8 минг нафар**) вилоятларида кузатишган. Бошқа ҳудудларга нисбатан академик лицейларга қабул қилинганлар сонининг энг паст кўрсаткичи Сирдарё (**0,5 минг нафар**), Тошкент ва Навоий (ҳар бир ҳудудда **0,6 минг нафардан**) вилоятларида қайд этилган. Техникумларга қабул қилинган ўқувчилар сонининг энг паст кўрсаткичлари Сирдарё (**7,3 минг нафар**), Навоий (**8,8 минг нафар**) ва Хоразм (**12,8 минг нафар**) вилоятларида кузатишган.

Фарғона, Навоий ва Тошкент вилоятларида академик лицейларга қабул қилинган ўғил болалар ва қиз болалар улуши тенг бўлган ҳамда ҳар бири **50,0 %** ни ташкил этган. Академик лицейларга қабул қилинган қиз болаларнинг энг паст улуши Қашқадарё вилоятида қайд этилган бўлиб, **35,7 %** ни ташкил этган. Тошкент шаҳрида (**59,0 %**) ва Жиззах вилоятида (**52,0 %**) техникумларга қабул қилинган қиз болалар улуши ўғил болалар улушидан юқори бўлган. Техникумларга қабул қилинган қиз болаларнинг энг паст улуши Наманган вилоятида қайд этилган ва **42,1 %** ни ташкил этган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларига қабул қилинган ўқувчилар сони \(жами\)](#)

III. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар

Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар умумий сонининг ўсиши кузатишган. 2025/2026 ўқув йили бошига уларнинг сони 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **71,8 минг нафарга**, яъни **16,8 %** га ошган ва **500,3 минг нафарни** ташкил этган.

Таҳсил олаётган ўқувчилар сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



¹⁾ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон Фармонида мувофиқ, 2025 йил 1 январдан профессионал таълим ташкилотларининг турлари мақбуллаштирилган. Шу муносабат билан 2025/2026 ўқув йили учун техникумлар бўйича кўрсаткичларни таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим.

2025/2026 ўқув йили бошига академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони **37,0 минг нафарни** ташкил этган ва 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **2,3 минг нафарга**, ёки **6,6 %** га ошган. 2025/2026 ўқув йили бошига техникумларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони **463,3 минг нафарни** ташкил этган ва **336,2 минг нафарга**, ёки **3,6 баробарга** ошган.

Таҳсил олаётган ўқувчилар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025/2026 ўқув йили бошига, минг киши)

	Академик лицейлар			Техникумлар		
	жами	қиз болалар	ўғил болалар	жами	қиз болалар	ўғил болалар
Ўзбекистон Респ.	37,0	15,9	21,1	463,3	219,5	243,8
Қорақалпоғистон Респ.	1,7	0,7	1,0	25,3	11,5	13,8
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	2,2	1,0	1,2	46,0	22,2	23,8
Бухоро	2,2	1,0	1,2	30,3	14,5	15,8
Жиззах	1,6	0,6	1,0	24,3	13,7	10,6
Қашқадарё	2,7	1,0	1,7	49,0	21,7	27,3
Навоий	1,2	0,5	0,7	15,1	7,1	8,0
Наманган	2,8	1,2	1,6	38,6	16,7	21,9
Самарқанд	4,0	1,6	2,4	52,4	24,8	27,6
Сурхондарё	1,3	0,5	0,8	31,3	13,8	17,5
Сирдарё	0,8	0,3	0,5	12,6	6,4	6,2
Тошкент	1,2	0,5	0,7	32,4	14,7	17,7
Фарғона	2,3	1,2	1,1	59,6	27,3	32,3
Хоразм	1,7	0,9	0,8	21,3	9,3	12,0
Тошкент ш.	11,3	4,9	6,4	25,1	15,8	9,3

Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг энг юқори сони Тошкент шаҳри (**11,3 минг**), Самарқанд (**4,0 минг**) ва Наманган (**2,8 минг**) вилоятларида қайд этилган. Техникумлардаги ўқувчиларнинг энг юқори сони эса Фарғона (**59,6 минг**), Самарқанд (**52,4 минг**) ва Қашқадарё (**49,0 минг**) вилоятларида кузатилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг энг паст сони Сирдарё (**0,8 минг**), Тошкент ва Навоий (ҳар бир ҳудудда **1,2 минг нафардан**) вилоятларида қайд этилган. Техникумларда энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**12,6 минг**), Навоий (**15,1 минг**) ва Хоразм (**21,3 минг**) вилоятларида кузатилган.

Хоразм (**52,9 %**) ва Фарғона (**52,2 %**) вилоятларида академик лицейларда таҳсил олаётган қиз болалар улуши ўғил болалар улушидан юқори бўлган. Академик лицейларда ўқиётган қиз болаларнинг энг паст улуши Қашқадарё (**37,0 %**), Сирдарё ва Жиззах (**ҳар бирида 37,5 % дан**) вилоятларида қайд этилган.

Техникумлар бўйича эса Тошкент шаҳри (**62,9 %**), Жиззах (**56,4 %**) ва Сирдарё (**50,8 %**) вилоятларида ўқиётган қиз болалар улуши ўғил болалар улушидан юқори бўлган. Энг паст кўрсаткичлар эса Наманган (**43,3 %**) ва Хоразм (**43,7 %**) вилоятларида кузатилган.


Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони \(жами\)](#)
[Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони \(жами\)](#)

IV. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг битирувчилари

Ўзбекистон Республикасида 2025 йилда ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари битирувчилари умумий сони **156,6 минг нафарни** ташкил этган ва 2024 йилга нисбатан **29,8 минг нафарга**, яъни **16,0 %** га қисқарган.

Битирувчилар сони
(тегишли йил учун, минг киши)



2025 йилда академик лицейларнинг битирувчилари сони **15,0 минг нафарни** ташкил этган ва 2024 йилга нисбатан деярли ўзгаришсиз қолган. Техникумларнинг битирувчилари сони эса **141,6 минг нафарни** ташкил этган ва **88,7 минг нафарга**, яъни қарийб **3 баробарга** ошган.

Битирувчилар сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025 йил учун, минг киши)

	Академик лицейлар			Техникумлар		
	жами	қиз болалар	ўғил болалар	жами	қиз болалар	ўғил болалар
Ўзбекистон Респ.	15,0	6,5	8,5	141,6	61,1	80,5
Қорақалпоғистон Респ.	0,8	0,3	0,5	9,3	4,3	5,0
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	0,9	0,4	0,5	15,7	7,9	7,8
Бухоро	0,9	0,4	0,5	7,7	3,1	4,6
Жиззах	0,7	0,3	0,4	7,0	4,2	2,8
Қашқадарё	1,0	0,3	0,7	15,9	6,7	9,2
Навоий	0,6	0,2	0,4	5,4	2,2	3,2
Наманган	1,1	0,5	0,6	9,3	2,8	6,5
Самарқанд	1,5	0,6	0,9	18,4	8,7	9,7
Сурхондарё	0,4	0,2	0,2	9,3	3,7	5,6
Сирдарё	0,4	0,1	0,3	3,8	1,6	2,2
Тошкент	0,3	0,2	0,1	9,0	3,5	5,5
Фарғона	0,9	0,4	0,5	18,6	7,3	11,3
Хоразм	0,7	0,4	0,3	6,4	2,2	4,2
Тошкент ш.	4,8	2,2	2,6	5,8	2,9	2,9

¹⁾ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон Фармонида мувофиқ, 2025 йил 1 январдан профессионал таълим ташкилотларининг турлари мақбуллаштирилган. Шу муносабат билан 2025/2026 ўқув йили учун техникумлар бўйича кўрсаткичларни таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Академик лицейлар битирувчиларининг энг юқори қисми Тошкент шаҳри (**4,8 минг нафар**), Самарқанд (**1,5 минг нафар**) ва Наманган (**1,1 минг нафар**) вилоятларида қайд этилган. Техникумлар битирувчиларининг энг юқори сони эса Фарғона (**18,6 минг нафар**), Самарқанд (**18,4 минг нафар**) ва Қашқадарё (**15,9 минг нафар**) вилоятларида кузатилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан академик лицейлар битирувчиларининг энг паст кўрсаткичлари Тошкент (**0,3 минг нафар**), Сурхондарё ва Сирдарё (ҳар бир ҳудудда **0,4 минг нафардан**) вилоятларида қайд этилган. Техникумлар битирувчиларининг энг паст кўрсаткичлари эса Сирдарё (**3,8 минг нафар**), Навоий (**5,4 минг нафар**) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (**5,8 минг нафар**) кузатилган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Академик лицейларнинг битирувчилари сони \(жами\)](#)


[Академик лицейларнинг битирувчилари сони \(қиз болалар\)](#)

[Академик лицейларнинг битирувчилари сони \(ўғил болалар\)](#)

V. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган педагог ходимлар (ўриндошларсиз)

2025/2026 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган педагог ходимлар (ўриндошларсиз) умумий сони **30 090 нафарни** ташкил этган ва 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **3 375 нафарга**, яъни **12,6 %** га ошган.

Педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сони
(тегишли ўқув йили бошига, киши)



¹⁾ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон Фармонида мувофиқ, 2025 йил 1 январдан профессионал таълим ташкилотларининг турлари мақбуллаштирилган. Шу муносабат билан 2025/2026 ўқув йили учун техникумлар бўйича кўрсаткичларни таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим.

2025/2026 ўқув йили бошига академик лицейлардаги педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сони **3 676 нафарни** ташкил этган ва 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **162 нафарга**, яъни **4,6 % га** ошган. Шунингдек, техникумлардаги педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сонининг сезиларли ўсиши кузатилган. Уларнинг сони **26 414 нафарни** ташкил этган ва **19 784 нафарга**, яъни **4 баробарга** ошган.

Педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025/2026 ўқув йили бошига, киши)

	Академик лицейлар			Техникумлар		
	жами	аёллар	эркаклар	жами	аёллар	эркаклар
Ўзбекистон Респ.	3 676	2 116	1 560	26 414	15 626	10 788
Қорақалпоғистон Респ.	194	141	53	1 666	1 160	506
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	204	119	85	2 526	1 439	1 087
Бухоро	222	131	91	1 686	1 038	648
Жиззах	146	84	62	1 213	656	557
Қашқадарё	300	146	154	3 055	1 680	1 375
Навоий	134	79	55	992	690	302
Наманган	263	130	133	2 161	1 182	979
Самарқанд	401	185	216	2 931	1 524	1 407
Сурхондарё	151	77	74	2 044	912	1 132
Сирдарё	77	34	43	837	446	391
Тошкент	105	57	48	1 683	1 165	518
Фарғона	209	128	81	3 150	1 947	1 203
Хоразм	165	102	63	1 052	741	311
Тошкент ш.	1 105	703	402	1 418	1 046	372

Академик лицейлардаги педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сонининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (**1 105 нафар**), Самарқанд (**401 нафар**) ва Қашқадарё (**300 нафар**) вилоятларида қайд этилган. Техникумлардаги педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сонининг энг юқори кўрсаткичлари эса Фарғона (**3 150 нафар**), Қашқадарё (**3 055 нафар**) ва Самарқанд (**2 931 нафар**) вилоятларида кузатилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан академик лицейлардаги педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сонининг энг паст кўрсаткичлари Сирдарё (**77 нафар**), Тошкент (**105 нафар**) ва Навоий (**134 нафар**) вилоятларида қайд этилган. Техникумларда эса энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**837 нафар**), Навоий (**992 нафар**) ва Хоразм (**1 052 нафар**) вилоятларида кузатилган.

Академик лицейлардаги педагог ходимлар (ўриндошларсиз) орасида аёлларнинг энг юқори улуши Қорақалпоғистон Республикаси (**72,7 %**) ва Тошкент шаҳрида (**63,6 %**) қайд этилган, энг паст улуши эса Сирдарё (**44,2 %**) ва Самарқанд (**46,1 %**) вилоятларида кузатилган. Техникумлар бўйича Тошкент шаҳри (**73,8 %**) ва Хоразм вилоятида (**70,4 %**) аёллар улуши эркаклар улушидан юқори бўлган. Сурхондарё вилоятида эса эркак ўқитувчилар улуши (**55,4 %**) аёллар улушидан (**44,6 %**) юқори бўлган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Академик лицейлардаги олий маълумотли педагог ходимлар сони](#)

VI. Ўрта махсус ва профессионал таълим бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятлари жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-ҳунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал ва ўрта профессионал таълим негизида давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги камида икки йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус ва профессионал таълим бўйича статистик маълумотлар **1 o'рта ta'lim shakli** “Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг ҳисоботи” йиллик статистика ҳисоботи маълумотлари асосида шакллантирилади. Мазкур ҳисобот академик лицейлар ва техникумлар томонидан тақдим этилади.

Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг статистика ҳисоботи қабул қилинганлар, таҳсил олаётганлар, битирувчилар, педагог ходимлар сони, шунингдек, ўрта махсус ва профессионал таълим тизимини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Статистик маълумотлар республика ва ҳудудлар кесимида тақдим этилади. Қабул қилинганлар, таҳсил олаётган ўқувчилар, педагог ходимлар сони ва моддий-техника базаси каби кўрсаткичлар ўқув йили бошига, битирувчилар сони эса ўтган йил якунларига асосан кўрсатилади.

Жамланган маълумотлар таълим тизими ривожланишини мониторинг қилиш, режалаштириш, асосли қарорлар қабул қилиш ва сиёсатни ишлаб чиқиш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) ва бошқа халқаро мажбуриятлар доирасида халқаро ҳисоботлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Фойдали ҳаволалар:

[Таълим статистикаси бўйича услубий Низом](#)

[МСКО 2011](#)

[МСКО-О 2013](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Эл. манзил: info@stat.uz
Тел.: (71) 203-80-00 (ички рақам: 1305)

